O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 22 январь, № 15 (4425) Сешанба

# БИЗНИКИДИР ЁРУҒ МАНЗИЛЛАР



***Юртимизда тиббиёт соҳасида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Миллат саломатлигини асраш, шифо масканларини энг сўнгги тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланган. Эл соғлиғини тиклаш борасида яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, шифохона ва тиббий марказларни малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласидир.***

**2008 йил — Ёшлар йили**

Пойтахтимиздаги Боровский номли тиббиёт коллежида бугун ўқувчилар етук мутахассис педагоглар қўлида энг замонавий ўқув-услубий қўлланмалар ёрдамида таълим олишмоқда.

— Коллежимизда тўрт минг нафарга яқин ўқувчи бор, — дейди ўқув маскани директорининг Маънавият ишлари бўйича ўринбосари Холиниса Тожихўжаева. — Улар учун асосий фанлардан ташқари бир неча тўгараклар ҳам фаолият кўрсатаяпти.

Коллежда ўқув захиралари маркази мавжуд бўлиб, ушбу марказ компьютер, сканер, принтер, электрон-кутубхона, интернет сингари қулайликларга эга. Муҳайё этилган бундай шарт-шароит биз, ёшларни эртанги ёруғ келажак сари дадил қадам ташлашимиз имконини беради, дейишмоқда бўлажак тиббиёт ходимлари.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Самарқанд шаҳрида Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг давра суҳбати шаклидаги минтақавий ўқув-семинари бошланди.***

### Ҳокимлар ўқуви

Семинарнинг дастлабки кунида унинг иштирокчиларига Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» ҳамда «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир» мавзуидаги маърузалари видеотасмалари намойиш этилди. Маърузаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова, Тошкент давлат юридик институти ректори М. Рустамбоев фикр юритишди.

Шунингдек, республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуронов «Маънавий соҳадаги ислоҳотлар, миллий ғоя тарғиботи ва маърифий ишлар самарадорлигини оширишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари» хусусида чиқиш қилишди. Семинарда ўтилган мавзуларни назорат қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида назорат сўрови ҳамда тезкор тест синови ташкил этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

### Арнасойлик ёшлар ташаббуси

***Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги тадбиркор, фаол ёшлар 2008 йилда маҳаллаларни обод масканга айлантириш ташаббуси билан чиқдилар.***

Жорий йилда мавжуд 10 та сувдан фойдаланувчилар уюшмасида 10 гектардан ошиқ майдонда боғ яратилади. Айни кунларда корхона-ташкилотлар, фермер хўжаликлари ёрдамида маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Ариқ-зовурлар тозаланиб, сув иншоотлари таъмирланаяпти. Кўчат экиладиган ерлар кўкламга тайёрлаб қўйилмоқда.

«Камолот» ЁИҲ туман бўлими эса Усмон Юсупов ҚФЙ ҳудудидаги 2,5 гектар ташландиқ майдонда «Ёшлар боғи» яратишга киришди. Бўлажак истироҳат боғига минг туп манзарали дарахт ўтқазилади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Чорвадор»да иш қизғин

***Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги бошлиғи Раҳмиддин Шаропов бултур Польшага бориб келди. Шунчаки томоша ё дам олишга эмас, ўзаро тажриба алмашгани.***

Хизмат сафари баракали кечди, кунига 35-40 килограмм сут берадиган Гольштейн зотли 60 та сигир келтирилди. ТИФ «Миллий банк» туман филиалидан олинган 100 миллион сўм кредит ҳисобига қаймоқ, бринза, кефир, сметана ишлаб чиқарадиган ва кунига 500 килограмм сутни қайта ишлайдиган минитехнология ишга туширилди.

«Чорвадор»нинг қўраларида ҳозир 450 бош қорамол боқиляпти. Деҳқончилик юмушлари ҳам баракали. Хўжалик ўтган йили давлатга 500 тоннага яқин пахта, 460 тонна ғалла сотди. 60 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олишга эришди. Қирқта янги иш ўринларини очди.

Эндиликда хўжаликда чорва наслчилиги тармоғини йўлга қўйиш, ёшлар спорт мажмуини ташкил этиш ва ёш оилаларни уй-жойли қилишга кўмаклашиш режалари белгиланмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қизилқум бағрида янги кон

***«Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти жамоасига янги йил омадли келди. Негаки, жорий йилда корхонанинг тўртинчи навбатини ишга туширишга киришилди.***

Бу эса цемент ишлаб чиқариш миқдорини йилига бир миллион тоннага кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, корхона яқинидаги Тилло тоғ бағридан диабаз-пироксенит хом ашёси ҳам топилди. Бу маъдан конида темир элементининг кўплиги маҳсулот сифатининг ошишига замин яратади. Эндиликда мазкур топилма цемент ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб, унинг четдан келтирилишига барҳам беради. Бу эса кўплаб маблағни тежаб қолишга имкон яратади. Қидирув натижаларига кўра, янги кон захираси эллик йилга етиши аниқланган.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

**Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганди. Мазкур ҳужжат расмий эълон қилинди, демак, Қонун кучга кирди. Турган гапки, ушбу Қонун юртимиз ёшлари ҳуқуқларини кафолатлашда катта аҳамиятга эга. Умуман, Қонунни ишлаб чиқишда нафақат халқаро ҳужжатларга суянилди, балки кенг жамоатчилик фикри ҳам инобатга олинди. Бу ҳужжатнинг мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги самараси хусусида бир неча саволлар билан Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Мамараҳим ИСРОИЛОВга мурожаат қилдик.**

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНАДИ

**▼ Қонун кучга кирди**

**— Ҳурматли, Мамараҳим ака, айтинг-чи, ушбу Қонун қабул қилинишининг ҳаётий зарурати нималарга асосланади?**

— Асосий мақсад, болаларни, шу жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборат. Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини ўзида мужассам этади ҳамда мустаҳкамлайди. Унда бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қатор муҳим тушунчалар, хусусан, "етим бола", "жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола", "ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар", "ногирон бола", "ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола" тушунчалари мужассам.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари 4-моддада белгилаб қўйилган. Бундай йўналишлар сирасига боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, болалар ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва бошқалар киради.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини амалга оширишдан иборат. Қонунда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг шу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилмоқда.

Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни шакллантиришда ҳамда рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этиши имкониятлари ҳам мазкур Қонунда назарда тутилмоқда.

Қонунда боланинг яшаш ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари, шунингдек, боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари ҳамда бошқалар қатъий белгилаб берилди.

**— Қонунда ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари манфаатлари ҳам инобатга олинганми?**

— Тўғри савол. Айнан шу масалада "Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари" деб номланган алоҳида боб киритилган. Бунда юзага келган вазият ва тақдир тақозоси билан ҳаёти оғир кечаётган, шунингдек, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимояланиш ва

(Давоми 2-бетда).

# ДОНИ БОР ЮРТНИНГ ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ!

***Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан мамлакатда ғалла мустақиллигига эришганимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборат эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда***

**▼ Ислоҳот**

**Ўтган асрнинг 90-йиллари боши. «Қайта қуриш» деб аталмиш «сиёсий ўйинлар» охир-оқибат собиқ Иттифоқни парокандаликка олиб келди. Ҳали у, ҳали бу ҳудудда сиёсий-иқтисодий талаблар ўртага ташлана бошлади. Аҳолининг ҳаёт кечириши кун сайин орқага кетаётганлиги шундоққина кўриниб турарди. Дўконларда узундан-узоқ навбат кутиш одатий ҳолга айланганди. Ана шундай вазиятда, 1990 йилда, Ўзбекистонда ҳали собиқ тузум мавжуд бўлган бир пайтда президентлик институти жорий этилди. Бу жуда катта жасорат эди.**



Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўзининг мустақиллигини эълон қилди. Дўст бор жойда, албатта, ғаним ҳам топилади. Жуда узоқ йиллар давомида республикамизда озиқ-овқат масаласи бевосита пахтачилик билан боғланиб қолганлигини зимдан билишарди. Улар шунга ишора қилиб, «Ўзбекистон барибир ўзини ўзи боқа олмайди», дейишдан тоймадилар. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг жуда катта ҳудудларида 70 йил нари-берисида ғалла етиштириш унутилиб кетганди. Канада ёки Австралиядан ғалла олиб келишнинг ўзи бўлмасди. Аҳоли ўртасида эса ун-нон масаласида фикрлар хилма-хил бўлиб, ўша кезларда ғалланинг таги кўриниб турарди. Президентимиз Ислом Каримов вазминлик ва яна вазминлик билан бу масалани оқилона ҳал этиш йўлларини изланди ва бундай узилишларнинг олдини олишга муваффақ бўлди.

Тан олиш керак, эндигина дунёга кўзини очган ёш давлатни ўз измига бўйсундиришда дон масаласи биринчи ўринда турарди. Бунинг учун Президент уларнинг барча сиёсий шартларига кўниши лозим эди. Бундай бўлмади. Бу ўйинларга янги-янги «тўнлар» кийдиришнинг эса турфа хил усуллари таклиф қилинди. Қарзга ҳам, садақага ҳам нигоҳини ташламаган ўзбек халқининг ғурури устун келди. Ўша кунларнинг шоҳидлари сўзларига қараганда, узоқ ўлкалардан Тошкент томон ғалла ортган вагонларнинг қайси станцияга етиб келгани-ю, Ўзбекистонга қачон кириб келиши туну кун Юртбошимизнинг шахсан назоратида бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

*2007 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми*

**9,5 фоизга ўсди.**

Республикамизда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларида маҳаллийлаштириш дастурлари изчил амалга оширилаётгани, хориж сармояларини жалб этиш ҳисобидан мавжуд корхоналар модернизация қилинаётганлиги, шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонларга бир қатор имтиёзлар берилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларида юқори суръатларга эришиш бунинг бош омили бўлди.

# Посбонлигимдан фахрланаман!

***Ҳарбийлик — чиндан ҳам шарафли касб. Юртбошимиз, ҳукуматимиз ҳарбий хизматчилар учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини дилда ғурур билан ўқиб чиқдим.***

**▼ Ифтихор**

Табрикда зикр этилган: "Биз офицерлар ва аскарлар таркиби ўртасида нафақат боғловчи бўғин, балки том маънода армиямизнинг таянч устуни, офицерларнинг ишончли ёрдамчилари бўлмиш сержантларимизнинг профессионал тайёргарлик даражасини янада оширишга катта эътибор қаратмоқдамиз", деган гаплари, рости, мени ҳаяжонлантириб юборди. Бу сўзларда биз, сержантларга катта ишонч билдирилганлигини, олдимизга қўйилган масъулият ошганлигини англаш қийин эмас.

Шу ўринда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида ҳам тўхталмоқчи эдим. Турмуш ўртоғим Гулшодахон билан икки фарзандни тарбиялаяпмиз. Бизга барча қулайликларга эга бўлган уй беришди.

Уйда ҳамма шароит муҳайё. Ўтган ҳафта телевизорда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ҳарбий хизматчиларнинг замонавий шарт-шароити ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг тураржой таъминотига бағишланган кўргазмага ташриф буюрганини кўрдим. Юртбошимиз кўргазмада бўлган чоғида ҳарбий хизматчилар учун яна ҳам замонавий тураржой бинолари қуриш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Тўғриси, шу гапларни эшитганимда, ҳарбий хизматда қолиб хато қилмаганимни тушуниб етдим. Бундай юксак эътиборга муносиб бўлиш, армиямизнинг суянчи ва таянчи деган эътирофни оқлашга ҳаракат қиламиз.

**Зоҳид БАРАТОВ,
кичик сержант.**

# ДОНИ БОР ЮРТНИНГ ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ!



(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодий мустақиллик билан сиёсий мустақиллик уйғунлашган тақдирдагина истиқлол абадий бўлади. Кўпдан-кўп ҳисоб-китоблар, таҳлиллардан кейин Президентимиз «Токи ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча», деган ғояни ўртага ташлади.

Ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда республикамизда, нари борса, 1 миллион тонна дон етиштирилар, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этарди. Бизнинг эса камида 5 миллион тонна ғаллага эҳтиёжимиз бор эди. Ваҳоланки, ўша вақтларда юртимизда жами ғалла майдони 800 минг гектар атрофида бўлиб, шундан салкам 260 минг гектари суғориладиган ерлар эди. Ғалла етиштириш билан боғлиқ технология амалда мавжуд эмаслиги, ўз навбатида, кўплаб ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қиларди. Биринчи галда, пахта яккаҳокимлигидан воз кечиш заруриятга айланган эди.

Ёдимизда, ғалла мустақиллиги ҳақида сўз бораётган ўша кунларда Марҳамат туманининг «Машъал» ширкат хўжалигида бир воқеанинг устидан чиққан эдик. Хўжалик раҳбари Адҳамжон Маҳкамов пишиқ-пухта раҳбарлардан эмасми, Юртбошимиз даъватига биринчилардан бўлиб жавоб беришга интилди. 1993 йилнинг кузида ушбу хўжаликда 427 гектар ерга бошоқли дон экилди. Ҳамма жойда бўлганидек, «Машъал»да ҳам жуда узоқ йиллар мобайнида пахта яккаҳокимлиги ҳукм сургани учун ўша давр агротехникасига зид равишда 100 фоиз уруғ ғўза қатор ораларига сепилди. Агротехника қоидаларига зид дейишимизнинг боиси шуки, бунга қадар ғўза қатор ораларига буғдой экиш борасида деярли тажриба бўлмаган эди.

Буғдой майсалари бошоқ тортиб, ўрим-йиғим мавсуми яқинлашган сайин эса, раиснинг боши қота бошлади. Шунча майдондаги ғаллани қайси комбайн билан ўриб-янчиб олади? Хўжаликда бор-йўғи камунумли 2 та «Нива» комбайни мавжуд. Иқтисодчи эмасми, у «Давлатга сотиладиган дон шу техникалар ёрдамида саранжомланади, аҳоли эса ўзи учун ғаллани ўроқда ўриб олади» деган қарорга келди. Бундан бошқа йўл йўқ эди. Ширкат аъзолари уюшган ҳолда 189 гектар ердаги буғдойни ҳашар усулида қўлда ўришди. «Машъал»нинг бу тажрибаси вилоят деҳқонларига ибрат қилиб кўрсатилди. Агар шундай йўл тутилмаганда эди, бу ерда ғалла ўрим-йиғими камида 100 кун давом этиб, пахта йиғим-теримига уланиб кетарди. Бунинг устига, ғалланинг каттагина қисми тўкилиб, нобуд бўлар эди.

Мана шундай шароитда «Машъал»да ҳар гектар ердан 50 центнердан дон ўриб-янчиб олинди. Етиштирилган 2137 тонна доннинг 1016 тоннаси давлатга сотилди. 125 тоннаси уруғлик учун сақланиб, қолгани ширкат аъзоларига тарқатилди. Келгуси йили эса ғалла майдони 627 гектарга етказилди.

Шу билан бирга, бошоқли экинлар агротехникаси такомиллаштирилиб борилди. Натижада бир гектар ер ҳисобига 60-70 центнергача дон етиштириш одатий ҳолга айлана бошлади.

— Йилдан-йилга бошоқли экинлар майдонлари кенгайиб бораверди, — дейди Шаҳрихон туманидаги собиқ Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раҳбари, ҳозирда меҳнат фахрийси Ўрмонжон Бозорбоев. — Деҳқон қўлида эса ишончли уруғ йўқ. Нима қилиш керак? Биз шундай вазиятдан чиқиш мақсадида 1996 йили пудратчи Аҳмаджон Қодиров даласидан топилган 27 хил навдаги буғдой уруғларини тажриба учун экдик. Ҳосилни йиғиштириб олгач, ҳар бир буғдой нави уруғини лаборатория шароитидаги тарозилардан ўтказдик. 1000 дона уруғнинг вазни 40 граммдан ортганини такроран экиш учун тайёрладик. Пахта йиғимтерими бошланган кунларда уруғликни далага сепдик. **17 сентябрь куни эса Президентимиз Ислом Каримов хўжалигимизга ташриф буюриб, деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашди.**

— Мана шу даламизда 27 хилдаги буғдой уруғи синовдан ўтказилди, — деди ижарачи, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганига эндигина 20 кун бўлган Содиқжон Абдурасулов. — Бу тажрибада уруғчиликнинг эртанги кунини кўраётгандекмиз. Бир парча ердаги тажриба бизни шу қадар умидлантираётган экан, мамлакат миқёсида ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш вақти-соати келганлигини айтгимиз келди.

— **Сизлар кўтарган масала Ўзбекистонимиз учун қанчалик ҳаётий зарурат эканлигини англаб турибман, — деди Ислом Абдуғаниевич. — Шу ишни Андижондан бошласак қандай бўлади? Зуваласи пишиқ, ер билан бемалол тиллаша оладиган сара деҳқонлар Андижонда! Биз бу ерда бошланган хайрли ишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, ҳукумат томонидан нимаики зарур бўлса, ёрдамимизни аямаймиз.**

Билган билади, ўша суҳбат чиндан ҳам ғаллачилик ривожига шу қадар туртки бердики, орадан 2-3 кун ўтар-ўтмас, бир гуруҳ мутахассисларимиз Краснодардаги жаҳонга машҳур Лукьяненко номли қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти томон йўл олишди. Дунё ғаллачилигига оид бой коллекция ва генетика фонди билан танишган вакилларимиз институтнинг кўплаб тажриба хўжаликларида бевосита иш жараёнини кузатдилар. Давлат рўйхатига киритилган ва катта майдонларда ҳам суғорма, ҳам лалми шароитда экилаётган кўплаб буғдой навлари агротехникаси билан дала шароитидаги танишув икки томонлама алоқаларни ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Танлаб олинган уруғлик буғдойларни харид қилиш учун ҳукуматимиз томонидан тегишли маблағ ажратилди. Кузда экилган уруғликлар интенсив парвариш туфайли Андижон далаларида яхши ривожланди.

1997 йилги ғалла мавсуми нафақат Андижонда, балки мамлакатимизнинг барча вилоятларида жўшқинлик ва кўтаринкилик билан бошланди. Айни чоғда уруғлик буғдойни жаҳон андозалари даражасида экишга тайёрлайдиган «Петкус» русумли замонавий жиҳозлардан 8 таси Андижон вилоятининг бир қатор дон қабул қилиш шохобчаларига ўрнатилди. Ғалла мавсуми охирлаган кунларда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Андижонда суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу билан ғаллачиликни барқарор ривожлантиришнинг тамал тоши қўйилди, десак, асло муболаға бўлмайди. Бу катта ишнинг бошида шахсан Президентимизнинг ўзи турганлигини бугун ҳар бир деҳқон дилдан ҳис этмоқда, эртанги кунга ишонч ила боқмоқда.

Балиқчи туманидаги собиқ «Шераличек» ширкат хўжалиги ҳудудида эндигина фермерлик фаолиятини бошлаган Маъруфжон Насриддинов яхши ният билан Краснодардан олиб келинган буғдойнинг «Купава» навини 10 гектар майдонга экди. Ер бетини майса қоплай бошлагандан тортиб, то буғдой бошоқлари ранг олгунга қадар барча агротехника тадбирлари белгиланган тавсиялар асосида бажарилди. Бугун-эрта ўримга тушаман, деб турган **Маъруфжоннинг даласига 1998 йил 18 июнь куни Президентимиз ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари фермер билан ота-боладек кўришди, оиласи, фарзандлари, ҳамқишлоқлари ҳол-аҳволини сўради. Кейин битта бошоқни қўлига олиб, ундаги донларни эринмай санади: 64 дона буғдой чиқди. Юртбошимиз 1 квадрат метрда, 1 гектар ерда қанча бошоқ бўлишидан тортиб, то кутилаётган ҳосилдорликкача қизиқди.**

— **Бир-икки кундан кейин далангизда республика ғаллакорларининг кўргазмали семинарини ўтказамиз, — деди пировардида Ислом Каримов. — Мамлакат бўйича тармоқ ходимлари, олимлар, мутахассислар, соҳа мутасаддилари келишади. Уларга ҳам менга айтганларингизни оширмай, яширмай айтиб беринг. Сизга ўхшаган деҳқонлар қанча кўп бўлса, бу — бизнинг ютуғимиз.**

Шу куни Ислом Абдуғаниевич Балиқчи туманидаги собиқ «Пахтакор» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари ҳамда эндигина фаолият кўрсата бошлаган илмий-тадқиқот институти ғаллазорларини кўздан кечирди. Хўжалик раҳбарлари, ижарачилар, фермерлар ва олимлар билан ғаллачилик мавзуидаги суҳбатларни давом эттирди. Орадан 3 кун ўтгач, 21 июнь куни эса Балиқчи туманида республика ғаллакорларининг йиғини бўлиб ўтди. Уруғлик буғдойни экишга тайёрлаш билан боғлиқ жараёнларнинг замонавий технологияда амалга оширилаётганлиги, айниқса, меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Кўп ўтмай, Андижоннинг энг сара ғалла уруғи ортилган вагонлар республикамизнинг барча ҳудудлари томон йўл олди. Шу тариқа кейинги йилларда Андижон вилоятида тайёрланган уруғликнинг салкам 200 минг тоннаси мамлакатимиз далаларига экилди. Сара уруғлик эвазига деҳқончилик маданиятини юксалтиришга кенг имкониятлар очилаётганлиги учун андижонлик деҳқонларга миннатдорлик мактублари келиши анъана тусига кирди. Жумладан, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Деҳқончилик Кенгаши аъзоларидан келган хатда шундай дейилган эди:

«Жиззах вилоятида 1998-1999 йилларда ғаллачилик соҳасида бирмунча улкан ютуқларга эришилди. Хусусан, 1998 йилда вилоятимизга Андижон вилоятидан олиб келиб экилган ғалланинг «Юна», 1999 йилда «Купава», «Деметра», «Половчанка» навларидан юқори ҳосил олинди. Натижада вилоятимизда давлатга ғалла сотиш режаси ортиғи билан бажарилди. Бунда, албатта, Андижон вилояти бободеҳқонларининг улкан ҳиссаси бор.

Бундай ютуқларимизни янада давом эттириш мақсадида 2001 йил ҳосили учун вилоятимиз иқлим шароитларига бирмунча мос бўлган «Уманка», «Крошка», «Княжна» ва «Дельта» навларининг юқори репродукцияли уруғларидан 20 минг тонна ажратишингизни сўраймиз».

Республикамиз учун ҳар йили 300 минг тонна уруғлик буғдой талаб этилади. Таъкидлаш керакки, барча вилоятларда Андижондаги илмий-тадқиқот институтининг филиаллари ташкил этилганлиги, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётганлиги, олимларимизнинг халқаро ИКАРДО ва СИММИТ ташкилотлари ишида фаол иштирок этаётганлари ўзининг самарасини бермоқда. Осиё Тараққиёт банки гранти асосида илмий-тадқиқот ишларини изчил олиб бориш учун зарур бўлган энг замонавий техника воситалари, асбоб-ускуналар олингани, бош институт ва унинг жойлардаги филиалларининг ёш олимлари халқаро грант маблағлари ҳисобига хорижий давлатларда ўз малакаларини ошириб қайтаётганлари бунинг тасдиғидир.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

2003 йилга келиб эса, республикамиз ғаллачилигида яна бир тарихий воқелик рўй берди. Мамлакатимизда биринчи марта 5 миллион тонналик марра эгалланди. Бу кунни қанчалар орзиқиб кутган эдик.

Шу ўринда Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаган мана бу сўзларни эслаш мақсадга мувофиқдир: «Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиштирилади. Ўз моҳият-эътиборига кўра, бу қадар улкан ғалабани бундан атиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда фақатгина орзу қилиш мумкин эди, холос.

Қиёслаш учун шуни таъкидлашимиз керакки, 1990-91 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 минг тонна ғалла етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган. Яъни, ўтган давр ичида ғалла ишлаб чиқариш 5,5 карра ўсган».

Ўшанда Юртбошимиз мана шундай юксак зафарларни қўлга киритган лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларга миннатдорчилик билдирар экан, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилажак улкан режаларнинг, албатта, рўёбга чиқиши ҳақида ҳам сўз юритган эди.

Қарангки, биз бугун пахта ва бошқа қимматбаҳо стратегик товарларимизни хорижга сотиб, унинг эвазига тушган валютани четдан дон харид қилишга сарфламаяпмиз. Аксинча, ўзимиздан ортган ғалла ва ун маҳсулотларини ташқи бозорда сотяпмиз. Бу кунларга атиги 10 йилда эришдик, холос. Тармоқ корхоналари энг замонавий технологик жиҳозлар билан таъминланяпти. Олий ва биринчи нав ун ишлаб чиқариш миқдори ва сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда. **Гап шундаки, 2007 йили мамлакатимиз деҳқонлари 6 миллион 250 минг тонналик хирмонни бунёд этишга муваффақ бўлдилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 48 центнерданга тўғри келди, яъни 2006 йилдагига нисбатан 4 фоиз ўсишга эришилди. Андижон вилоятида ҳар гектар ердан 60 центнердан дон йиғиштириб олинган бўлса, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ушбу кўрсаткич 50 центнердан ортди.**

Шулар ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Андижон вилояти аҳолиси вакиллари билан учрашувидаги нутқи беихтиёр ёдимизга тушади:

— **«Ҳаммамиз яхши биламиз – ҳар қандай иш ёки воқеанинг аҳамияти қиёслаганда намоён бўлади, — деган эди Ислом Каримов. — Шу нуқтаи назардан қараб баҳо берадиган бўлсак, 1991 йилда Андижон вилоятида 50 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, 2007 йилга келиб, бу кўрсаткич 450 минг тоннага етган ёки 9 баробарга кўпайганини, андижонлик лабзи ҳалол деҳқонларнинг мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашга катта ҳисса қўшганини биз юксак қадрлаймиз».**

Шубҳасиз, бу юқори натижаларнинг замирида аграр соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топганлиги, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш жараёни қизғин бораётганлиги мужассамдир.

**Ҳа, бугун ўзимизнинг беминнат донимиз ва нонимиз бор. Унинг салмоғи эса янада ортади. Чунки 2008 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиш аввалги йилдагига нисбатан қарийб 1 ой олдин ниҳоясига етказилди.** Бу ниҳолларни озиқлантириш, суғориш ва туплатиб олишда муҳим омил бўлди. Қолаверса, юксак марраларни кўзлаб турган азамат фермерларимиз бор. Халқимизнинг эса донга ва нонга эътиқоди ўта баланд. Биз — ушоқни ҳам кўзимизга суртадиган халқмиз. «Дони бор юртнинг қўрғони мустаҳкам, дони мўлнинг гапи бутун бўлади», дейдилар. Буни ҳам бутун жаҳон аҳли билиб ва кўриб турибди. Илоҳим, шу кунларга етганимизга кўз тегмасин.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**Абдуваҳоб НУРМАТОВ,**
**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.**
Андижон вилояти

---

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўллаб-қувватланишга муҳтож болаларга мўлжалланган қўшимча кафолатлар, уларни таъминлаш масалаларига бағишланган олтита моддадан иборат. Ана шундай тоифадаги болаларга ногирон болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар, етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар, муайян муқим яшаш жойи йўқ болалар, кам таъминланган оилаларнинг болалари, жиноий жавобгарликка тортилиб, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган болалар, шунингдек, зўравонлик, зулм ва қуролли можаролар ҳамда табиий офатлар натижасида жабрдийдага айланган болалар киради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш давлат зиммасига юклатилмоқда. Бинобарин, давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф этиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш юзасидан зарур чораларни кўриши керак. Шунингдек, ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа хил ёрдам кўрсатиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлаши лозим. Бундан ташқари, Қонунда оилада тарбияланиш бахтидан бебаҳра етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш (васийлик ва ҳомийликни белгилаш, болани фарзандликка олиш, оилага тарбияга олиш (патронат), ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш) ҳуқуқи ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Чунончи, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эга эканлиги назарда тутилмоқда. Қонунда ногиронлик белгиланган пайтдан эътиборан бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Қонунда таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши зарурлиги ҳам белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқишда давлат ташаббускор бўлиши ҳамда зарур ресурслар ажратиши назарда тутилди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари мужассамлашган. Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади. Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш эса тўлиқ давлат ҳисобидан амалга оширилади. Шуниси ҳам борки, давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни яратади.

— **Мазкур ҳужжатда жисмоний имконияти чекланган болаларнинг даволаниши ва таълим олишида маълум имтиёзлар назарда тутилганми?**

— Эндиликда ногирон болаларнинг, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари уларнинг айни шундай ёрдам (профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами) олиш, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланиш, давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий ёрдам олиш, шунингдек, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқлари амалга оширилиши орқали қонуний таъминланади.

Ҳар бир бола билим олиш, жумладан, бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар таълими олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, "Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари" деб номланган 29-моддада махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар давлат томонидан ажратилиши ва бошқа чоралар кўрилиши тарзидаги қўшимча кафолатлар назарда тутилди.

Ўзбекистон халқи азалдан болажон халқ. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун яшашни ҳаётининг бош мезони деб билади. Шундан бўлса керак, бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бор. Халқимизнинг ана шундай ажойиб хислатини эътироф этган ҳолда таъкидлашни истардимки, юртимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди, қолмаган ҳам. Унинг шу заминга муносиб фарзанд бўлиб камол топишида, буюк аждодларининг издошлари бўлиб тарбияланишида нафақат ота-она, балки қўни-қўшни, бутун маҳалла ўзини масъул, деб билади. Шу маънода «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

**Юнус БЎРОНОВ суҳбатлашди.**

---

Хоразм томонларда

***Хива туманидаги «Комил Эркин» хусусий корхонаси раҳбари Икром Отабоев вилоятда матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни биринчилардан бўлиб бошлаган эди.***

## Матбаачилик маҳсулотлари

Замонавий технологиялар асосида иш юритаётган корхонада ўтган йили маҳсулот ҳажми олдинги йиллардагига нисбатан 30 фоиз ортди. Фирма қошидаги дўкондан кўплаб турдаги идора буюмларини харид қилиш мумкин.

Шу кунларда тадбиркор ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ҳаракатида. Жумладан, Хитойдан янги матбаа дастгоҳлари келтирилиб, рангли ёрлиқлар тайёрлашга киришилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаётган фермерлар учун айни муддао бўлди.

***«Хоразм» нашриёти томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган китоб ана шундай номланади.***

## «Хоразм қовунлари»

Ушбу китоб нашр этилишига республика давлат тижорат «Асакабанк»и ҳомийлик қилган. Рангли фотосуратлар билан безатилган китобда Хоразм қовунчилиги тарихи, унинг ҳозирги аҳволи, воҳа довруғини ошираётган миришкор деҳқонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

***Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йил ҳам энди тарихга айланди. Ўтган йили мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.***

Халқимиз эришаётган ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2007 йил июндан 2008 йил июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумот ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 2008 йил 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

**Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.**
**3-қават, 30, 35, 37-хоналар.**
**Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87. Факс: 144-69-65**
**E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz.**


---

# БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

***Президентимизнинг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда инсон қадр-қиммати олий қадрият сифатида эъзозланаётганининг, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг яна бир ифодаси бўлди.***

Амнистия

Ушбу қарорга мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам 900 нафарга яқин фуқарога амнистия акти қўлланилди.

— Озод этилган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ва ишга жойлаштириш бўйича вилоят соғлиқни сақлаш, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий муҳитга мослаштириш маркази раҳбари ўринбосари Абдухалил Жабборов. — Собиқ маҳкумларга тақдим этилган ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда моддий ёрдам берилмоқда. Ҳозирга қадар бизга мурожаат қилган 120 нафардан зиёд ана шундай фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди, олти киши саломатлигини тиклаш учун даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштирилди, 17 кишига даволаниши учун шарт-шароит яратиб берилди.

Озодликка чиққанларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда вилоят бўйича мингдан зиёд қўшимча иш ўрни ажратилган. Айни пайтгача 130 нафардан зиёд муқаддам судланганлар ишга жойлаштирилди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Қишлов — чорвадорлар учун синов

***Чорвадорлар қишловни синов, деб билади. Чунки чорвачилик барорини айни қорқировли кунлар якуни белгилаб беради. Яъни, қиш мавсумини беталафот ўтказганлар қўрасига барака ёғилади. Шу боис, мамлакатимиз чорвадорлари, хусусан, қоракўлчилари қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришади.***

Мавсум

"Ўзбек қоракўли" компаниясидан маълум қилинишича, айни пайтда 105 та қоракўлчилик хўжалигида 2 миллион 140 минг бош қўй ва эчки мавжуд бўлиб, қишловни беталафот ўтказиш мақсадида изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Мавсумда тажрибали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, қўшимча 1749 нафар ишчи ҳамда 292 та транспорт воситаси жалб этилгани айни муддао бўлди.

Мутахассисларнинг айтишича, 2007-2008 йиллар қишловига 256,4 минг тонна дағал хашак жамғарилган эди. Жорий йилнинг 15 январь ҳолатига кўра, шунинг 171,2 минг тоннаси ёки 67 фоизи чорвадорларга етказилди. Бундан ташқари, улар 8148 тонна тўйимли озуқа, 2651 тонна шелуха билан таъминланишди. Хашакнинг қолган қисми ҳам хўжаликларда мавжуд 210 та озуқа майдалагич техникаси ёрдамида пешма-пеш майдаланмоқда.

Январь ойида ҳароратнинг нисбатан пасайиши чўпон-чўлиқлар масъулиятини янада оширди. Улар ҳукуматимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланиб, барча шарт-шароитлар яратилаётгани туфайли мавсум ишлари маромида бораётир. Дейлик, биргина январь ойининг биринчи ярмида чорва учун қўшимча 2078 тонна омихта ем, 1490 тонна шрот, 1876 тонна шелуха етказилиб берилди, зарур миқдорда ёқилғи билан таъминланди. Чўпончўлиқларга эса ҳомий ташкилотлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иссиқ кийим-кечаклар улашилди.

**Саид РАҲМОНОВ.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

**Республика Киночилар уйида “Юнус Ражабий” ва “Сўнмас юлдуз ёғдуси” ҳужжатли фильмларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу киноасарлар “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг илмий-оммабоп ҳамда ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган.**

## Буюк аждодлар ибрати

Маълумки, Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Юнус Ражабий миллий мусиқа санъатимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшган санъаткордир. Унинг “Ўзбек халқ мусиқаси”, “Шашмақом” каби ўлмас асарлари, мақом ашулалари ва куйлари халқимизнинг бебаҳо мероси саналади.

Кинотасвирчи Абдулла Тўлаганов суратга олган фильмда ана шу дурдона асарлар қиммати, бастакорнинг ҳаёт йўли, илмий ва ижодий фаолияти ўз аксини топган.

Истеъдодли режиссёр Умид Ортиқовнинг “Сўнмас юлдуз ёғдуси” ҳужжатли фильми эса адабиётшунос Наим Каримов сценарийси асосида экранлаштирилган. Киноасарда таниқли олим, педагог Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Мухлислари хорижда ҳам бор

**Ўзбекистон Давлат циркида машҳур ёзувчи Шарль Перронинг “Золушка” эртаги асосидаги томоша болаларга завқ ва ҳаяжон улашди.**

Эътиборлиси, эртак актёрлар билан бир қаторда бир неча хил жонзотлар, хусусан, парранда ва итлар иштирокида жонлантирилди. Шу тариқа асар ўзида театр, цирк, рақс, ҳаракат ва мусиқани уйғунлаштирди.

Қувонарлиси, “Золушка” эртаги Таиландда бўлиб ўтган халқаро мусиқа ва рақс фестивалида ҳам намойиш этилиб, хорижлик санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, томошани режиссёр А. Слоним ва балетмейстер Г. Каримова саҳналаштиришган.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**



## Ёрқин ранглар жилоси

**Ўзбекистон Миллий банкининг Тасвирий санъат галереясида Ёшлар йили муносабати билан «Оазис» («Воҳа») деб номланган кўргазма ташкил этилди.**

Унда истеъдодли рассомлар Дмитрий Ахунбабаев ва Анна Иванова ишлари намойиш этилмоқда. Бу икки ёш ижодкор ўз дунёқараши, ишларидаги бадиий услуб ҳамоҳанглиги ва уларнинг такрорланмас ёрқин рангларда ифодаланиши ўзига хослик касб этган.

Анна Иванова ишларида аёл дунёси, кундалик меҳнат ва оилавий бахт ўз ифодасини топган. Дмитрий Ахунбабаевнинг кўргазмадаги ишларида замонавий технологиялар ва анъанавий тасвир устувор мавзудир.

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

---

**2008 йил — Ёшлар йили**

# БЕМИННАТ ХИЗМАТ МАРКАЗЛАРИ

*“Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент вилояти бўлими баркамол авлод дунёқарашини Истиқлол ғоялари руҳида шакллантириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишчанлик ва ижодкорлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида хайрли ишга қўл урди. Қисқа фурсатда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларида таркибида компьютер саводхонлиги, чорвачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, ёш оила тўгараклари мавжуд 9 та ёшлар ижтимоий хизматлар марказини ташкил этди.*

*Яқинда Зангиота туманининг Бўзсув қишлоғида яна битта худди шундай маскан очилди. У катта мажлислар залига, кенг-ёруғ ўқув аудиторияларига эгалиги, замонавий аппаратуралар билан жиҳозланганлиги, ҳар икки кишига биттадан компьютер тўғри келишига кўра, бошқаларидан кескин ажралиб туради. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда ўтказиладиган машғулотлар мавзуси тингловчиларнинг хоҳиш-истаклари ва таклифлари асосида танланади.*

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

IPOTEKA BANK

**Республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Айниқса, улар кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш тўғрисидаги бир қатор Фармон ва қарорлари асосида аҳолига ҳамда ўз мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида минибанклар, жамғарма ва коммунал кассаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Туман ва шаҳар марказларидан анча узоқда жойлашган қишлоқ ҳудудларида банкларнинг бундай тармоқлари орқали мижозларга барча турдаги хизматларни кўрсатиши натижасида эса уларга нисбатан кўпчиликнинг ишончи янада ошишига асос бўлмоқда.**

## «Ипотекабанк»:

# АҲОЛИ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

«Ипотекабанк»нинг мақсади ҳам республикамизнинг барча ҳудудларида минибанк ва жамғарма кассаларни ташкил этиш орқали мижозларга ҳамма хизмат турларини кўрсатишдан иборатдир.

Бугунги кунда бу банкнинг 39 та филиали тасарруфида 565 та жамғарма кассаси ва 159 та минибанки мавжуд. Жамғарма кассалари томонидан бугунги кунда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, пластик карталар орқали хизматлар кўрсатиш, мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, дивиденд, пенсия ва стипендияларни жамғарма кассалар орқали бериш, уяли алоқа компаниялари ҳамда интернет провайдерларининг тўлов карталарини реализация қилиш каби хизмат турлари амалга оширилмоқда. Минибанклар орқали эса мижозларга ҳисоб-китоб ва касса хизмати, банк филиали қарори бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кредит бериш, факторинг хизматини кўрсатиш, аҳолига ва мижозларга банк фаолиятига доир маслаҳат-хизматлари кўрсатиш, халқаро пул ўтказиш амалиётларини рўёбга чиқариш сингари хизмат турлари кўрсатилмоқда.

Банк жамоаси, жумладан, аҳолининг бўш пул маблағларини фаол жалб эта бориб, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ресурс базасини кенгайтирмоқда,



бу билан пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга кўмаклашмоқда.

### Молия муассасаларида

Аҳолининг аксарият қисми учун банк депозитлари пул маблағларини ишга солишнинг энг жозибали ва ишончли усули ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда аҳолига миллий ва хорижий валютада йигирмадан ортиқ турдаги депозитлар таклиф қилиняпти. Яъни мижозларга бўш пул маблағларини сақлашда ўзларига энг маъқул ва мақбул шартлар ҳамда улар бўйича таклиф қилинадиган омонатнинг даромад ҳажмини танлаш имконияти яратилган.

2007 йил давомида банк аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида турли хилдаги юқори фоизли омонатларни таклиф этди. Амалдаги «Антиқа», «Болажон», «Жозиба», «Мустақиллик тухфаси», «Мураббий», «Семурғ» омонатлари қаторига «Хазина», «Ҳамкор», «Ишонч», «Адолат-2», «Зиё», «Қадрият» ва «Барака» каби миллий валютадаги бир қатор омонат турлари киритилди. Омонатчиларнинг пул маблағлари дахлсизлиги эса Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ кафолатланаётир.

2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жамғарма кассалари орқали жалб этилган аҳоли омонатлари қолдиғи 62,5 млрд. сўмни, шундан талаб қилиб олингунча омонатлар қолдиғи 10,5 млрд. сўмни, жамғарма омонатлари қолдиғи 4,1 млрд. сўмни, муддатли омонатлар қолдиғи 38,7 млрд. сўмни ҳамда пластик карточкалардаги омонатлар қолдиғи 9,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк томонидан аҳолига коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш борасида қўшимча қулайликлар яратишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, дам олиш кунларида ва аҳолига қулай вақтларда махсус ва коммунал кассалари ишлаши, кўчма (сайёр) кассалар фаолият юритиши таъминланди. Натижада, филиалларнинг жамғарма кассалари ўтган йил мобайнида аҳолидан 260,2 млрд. сўмлик тўловларни қабул қилиб олди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 32,1 млрд. сўм кўпдир. Шу жумладан, коммунал тўловлар 91,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 16,1 млрд. сўмга ўсди.

Бундан ташқари, банкнинг филиалларида экспресс тўлов карталари реализацияси ташкил этилган бўлиб, якунланган йил давомида жамғарма кассалари орқали уяли алоқа компаниялари ҳамда интернет провайдерларининг 1,4 млрд. сўмлик тўлов карталари жойлаштирилди.

Айни кунларда «Ипотекабанк» кенг доирадаги барча мижозларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда. Эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам кўп, албатта. Шуни ҳисобга олиб, жамоа аҳли аниқ режа асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида янада фаолроқ қатнашмоқда.

**Банк матбуот хизмати.** [t]

---

Спорт • Sport • Спорт

## ЧАГАЕВ КАМАРИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛДИ



***Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 14 апрель куни ҳамюртимиз Руслан Чагаев профессионал бокснинг ўта оғир вазни — WBA (Жаҳон бокс уюшмаси) йўналиши бўйича чемпионлик камарини россиялик Николай Валуев билан бўлган жангда ютиб олганди.***

Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги “Burg-Waechter Castello” спорт мажмуасида Руслан Чагаев ўзининг чемпионлик камарини Буюк британиялик боксчи Мэтт Скелтонга қарши жангда муносиб ҳимоя қилди.

Ўн икки раунд давом этган беллашувда Руслан тезкор ва аниқ зарбалари билан рақибини қийин аҳволга солиб қўйди. Жанг якунида учала ҳакам — 117:110, 117:111, 117:111 ҳисобида Чагаев ғалаба қозонганлигини эълон қилишди.

Руслан Чагаевнинг бугунгача профессионал боксда ўтказган жанглари сони 25 тага етди.

Руслан Чагаевнинг навбатдаги рақиби 16 февраль куни россиялик Николай Валуев ва беларуслик Сергей Ляхович ўртасида бўладиган жангда аниқланиши кутилмоқда. Жаҳон бокс уюшмаси раҳбарияти қарорига кўра, мазкур беллашувда ғалаба қозонган боксчи Руслан Чагаевнинг камарига расмий даъвогар сифатида чемпионлик жангини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

### Юнон-рум курашчиларимиз Москвада

Москвада юнон-рум кураши бўйича кўп карра жаҳон чемпиони Иван Поддубний хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир давом этмоқда.

Мазкур нуфузли мусобақада Шерали Шодмонов (55 кг.), Жаҳонгир Турдиев (74 кг.), Камол Холматов (60 кг.), Таймурод Турдиев (66 кг.), Денис Здориков (84 кг.) сингари полвонларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

**Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида футбол бўйича МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги баҳслари бошланди. Мусобақанинг амалдаги чемпиони “Пахтакор” биринчи учрашувни “Динамо” (Киев) жамоаси билан ўтказди.**

### «Пахтакор» чорак финалда

Унда Зайниддин Тожиев киритган ягона гол (1:0) ҳамюртларимизнинг ғалабасини таъминлади. Вакилларимиз иккинчи учрашувда Арманистон чемпиони “Бананц” жамоаси билан куч синашдилар. Гарчи учрашув тенг курашлар остида бошланган бўлса-да, футболчиларимиз тажриба ва маҳорат бобида рақибларидан анча устун эканликларини намойиш этдилар. Зайниддин Тожиев, Анвар Солиев ва Илҳом Суюнов томонидан киритилган голлар (3:0) эвазига “Пахтакор” йирик ҳисобда зафар қучди. Ушбу муваффақиятдан сўнг юртдошларимиз муддатидан олдин чорак финал йўлланмасини қўлга киритишди. “Пахтакор” учинчи турда Беларусь чемпиони БАТЭ жамоасига қарши майдонга тушади.

***“Д” гуруҳида ҳозирча турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган:***

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| “Пахтакор” | 2 | 2 | 0 | 0 | 4-0 | 6 |
| БАТЭ | 2 | 0 | 2 | 0 | 2-2 | 2 |
| “Динамо” | 2 | 0 | 1 | 1 | 1-2 | 1 |
| “Бананц” | 2 | 0 | 1 | 1 | 1-4 | 1 |

***Шу кунларда Фарғонанинг “Нефтчи” жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда.***

### «НЕФТЧИ» ЧЕМПИОН БИЛАН ДУРАНГ ЎЙНАДИ

Кеча Юрий Саркисян шогирдлари Россиянинг амалдаги чемпиони Санкт-Петербургнинг “Зенит” жамоаси билан ўртоқлик-синов учрашувида майдонга тушди. Қизиқарли кечган учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

---




**«БИРЖА» газетаси ўқувчилари, раҳбарлар, иқтисодчилар, ишбилармонлар ва ёш тадқиқотчилар диққатига!**

2008 йилнинг январь ойидан эътиборан «Биржа» республика иқтисодий газетасининг иловаси — «Биржа-Эксперт» иқтисодий, илмий-оммабоп ойлик журнали чоп этила бошланди.

«Биржа-Эксперт» журналининг саҳифаларида қуйидаги мавзулар билан танишишингиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида таҳлилий мақолалар;
- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти барча тармоқларининг таҳлили ва шарҳига бағишланган мақолалар;
- жаҳон ва мамлакатимиз фонд, валюта, товар-хом ашё ва кўчмас мулк биржаларидаги савдо якунлари ҳамда иш жараёнларини акс эттирувчи мақолалар;
- жаҳон молия бозорлари, банк, суғурта, лизинг тизимларида рўй бераётган энг сўнгги маълумотлар;
- валютани мувофиқлаштириш, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг иқтисодий вазиятга таъсири, дунё валюталари ҳақида ахборотлар;
- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиёти, янгиликлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари берган назарий ва амалий шарҳлар;
- маркетинг мутахассислари учун: маркетинг, истеъмолчилар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ахборотлар олиш ва уларни қайта ишлаш услублари;
- бухгалтерлик ҳисоби, солиқ ва божхона қонунчилиги каби долзарб масалаларнинг муҳокамаси;
- илмий даражага даъвогар иқтидорли талаба ва ёш олимларнинг изланиш ҳамда тадқиқотлари.

**Журналга «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК бўлимлари ва бошқа агентликлар орқали обуна бўлиш мумкин.**
**Шунингдек, сиз «Биржа» РИГ ЁАЖ орқали обунани бевосита расмийлаштириш имконига ҳам эгасиз.**
**Обуна индекси — 1169.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (998 71) 139-22-06, 139-21-85.**

# ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?




***Гидрометеорология марказидан маълум қилинишича, бугун мамлакатимизда ҳаво ўзгарувчан бўлиб, баъзи туманларда қор ёғади. Айрим жойларга эса туман тушади.***

23-26 январь кунлари республикамизда ёғингарчилик кутилмайди. Фақат 23-24 январда Фарғона водийси вилоятларида қисқа муддатли қор ёғиши мумкин.

Ҳарорат кечалари 13-18 даража, 26 январда эса 10-15 даража, кундузи 3-8 даража совуқ бўлади. Бухоро, Навоий ҳамда Қашқадарё вилоятларида кечалари 15-20, кундузи 7-12 даража совуқ бўлиши кутиляпти.

Мамлакатимиз шимолида 22-24 январда кечалари ҳарорат 22-27 даража, кундузи 10-15 даража, 25-26 январда кечаси 15-20, кундузи 5-10 даража совуқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 22-25 январь кунлари вақти-вақти билан қор ёғади. Қор кўчиш хавфи бор. 26 январда ёғингарчилик кузатилмайди, баъзи жойларда туман тушади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсиб, ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 13-18 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.

Бугун Тошкент шаҳрида қор ёғиши мумкин. Эрталаб ва кечқурун туман тушади. Шамол ғарбдан 3-8 м/с тезликда эсиб, ҳарорат кундузи 6-8 даража, кечаси 15-17 даража совуқ бўлади.

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси қўмита аъзоси Ш. Салимовага онаси

**МЕҲРИНИСА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

---

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жамоаси Пенсия ва нафақа тўлаш устидан мониторинг бўлими бошлиғи Норсоат Аллаевга укаси

**Абдуғани АЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ жамоаси Андижон вилояти бўйича тасвирчи

**Исломбек ЖЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент автомобиль йўллари институти раҳбарияти ва жамоа ташкилотлари институтнинг собиқ ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

**Нодирахон Мамарасуловна БОБОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6 8